

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида

УДК 621.317:658

ПЛАХТИЕВ Анатолий Михайлович

**БОШҚАРИШ ВА НАЗОРАТ ТИЗИМИ УЧУН
ТАҚСИМЛАНГАН МАГНИТ ПАРАМЕТРЛИ
ЎЗГАРТИРГИЧЛАР**

05.11.13 – Табiiй муҳит, моддалар, материаллар ва буюмларни назорат
қилиш асбоблари ва усуллари

Техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган
диссертация

А Ф Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009

Тадқиқот Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган

Расмий опонентлар: ЎзР ФА академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Раджапов Тельман Дадаевич

техника фанлари доктори, профессор
Қодиров Туйғун Маждиевич

техника фанлари доктори, профессор
Мухитдинов Мухсин Муминович

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА “Академприбор” илмий ишлаб
чиқариш бирлашмаси

Ҳимоя 2009 йил ____ ойнинг ____ куни соат 10.00 да Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги техника фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича ДК 067.07.01 рақамли ихтисосланган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУ, «Электроника ва автоматика» факультети, 418-ауд.

Диссертация билан Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг асосий кутубхонаси (Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй)да танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил ____ ойининг ____ куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, техника
фанлари доктори,
профессор

Азимов Р.К.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Кўпгина маҳаллий корхоналарда мис, натрий, вольфрам, молибден, қўрғошин, водород, кислород, фосфор ва бошқаларни ишлаб чиқариш, ўтга чидамли ва кийин эрийдиган металлларни чиғирлаш дастгоҳларида чиғирлаш, қирялаш машиналарида маҳсулот олишда технологик жараёнларни амалга ошириш ҳамда саноат маҳсулоти сифатини бузмасдан назорат қилиш муаммоси мавжуд.

Саноат маҳсулоти олинишининг ушбу барча жараёнлари шундай тавсифланадики, сифат назоратининг асосий параметрлари катта доимий ток (КДТ) ҳисобланади. У катталиги бўйича саноат маҳсулоти сифати ва технологик жараёнларнинг амалга оширилиши ҳамда двигател айланиши тезлиги билан баҳоланади. Унинг катталиги сифат назоратининг қатор ўлчов ўзгартиргичлари- ўлчов ўзгартиргичлари (ЎЎ) билан назорат қилинади.

Ушбу технологик жараёнлар назорати тежамлилиги, ишончилиги ва аниқлигини ошириш муаммоси долзарб ҳисобланиб, истисносиз ҳаммаси саноат миқдори ва сифати двигател айланиши тезлиги назоратини киритган ҳолда технологик жараёнлар (ТЖ) барқарорлигини ошириш имконини беради.

Бу муаммони ҳал этиш кучли ток занжирларини узмасдан, яъни уларнинг яхлитлигини бузмаган ҳолда назорат қилиш воситаси билан технологик жараёнларни амалга ошириш ва маҳсулот сифатининг узлуксиз назорат қилиш учун асбоблар ҳамда контактсиз ўзгартиргичлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижасида Ўзбекистон Республикасининг кўпгина корхоналарида КДТ ни контактсиз назорати йўли билан двигателлар айланиши тезлиги назоратини киритиб технологик жараёнларни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти сифатининг бузмасдан назоратини ўтказишда катта эҳтиёж зарурлиги маълум бўлди.

Енгил кўчмас, ҳам кўчма КЎ ва КЎлч. конструкциясиги кирувчи деярли барча асосий элементлар сифатини бузмайдиган назорат учун контактсиз ферромагнит ўзгартиргич эканлиги аникланди. У ферромагнит материалдан тайёрланиб магнит оқимида КДТнинг контактсиз ферромагнит ўзгартиргичини намоён қилади ва унинг улушига КЎ ва КЎлч. массасининг асосий қисми тўғри келади. Шунингдек, назорат қилинувчи диапазон чекланган юқори чегарасининг асосий омили ферромагнит материалга тўйинганлиги сабабли КЎ ва КЎлч. вазнининг камайиши жуда муҳим ва кенгайишда унинг назорат чегаралари ЎКФО га тегишли бўлади.

Тайёрланиши содда, сигналларни зудлик билан қайта ишлаши ва ташқи таъсирга нисбатан барқарор бўлганлиги сабабли ўзгармас ток

магнит майдонига боғлиқ бўлган, контактсиз ўлчов ўзгартиргичлари КФЎ техникада кенг қўлланилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ЎКФО оралиқ ўзгартиргич билан биргаликда КФЎ технологик жараёнларни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назоратнинг контактсиз ферромагнит ўзгартиргичини доимий магнит оқими сўнг ТЖ ҳолатида чиқиш сигналида ишлаш блокига айланади, КФЎ ҳолатида эса чиқиш сигнали асбоб билан қайд қилинади. Шу муносабат билан самарадорликни ошириш (кичик ҳажм ва оғирликдаги кенгайтирилган назорат қилувчи диапазон) ҳамда унинг материал ҳажми ва қийматининг пастлигида юқори аниқлик, мустаҳкам ва технологик конструкциялар ва асосий имкониятлари (ўзгартиргичнинг кўп ҳаракат қилиши ва бирлаштирувчи контурнинг мослашувчанлиги)га эга бўлган шундай КФЎ учун КФЎОни тадқиқ қилиниши ва ишлаб чиқиш жуда муҳим долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ўтказиш, тезлик, жадаллаштириш, ток, кучланиш ва бошқа технологик жараёнлар назорати учун ферромагнит ўзгартиргичлардан кенг фойдаланилади. Бироқ ферромагнит ўзгартиргичлар ичида ошириши ва саноат маҳсулоти сифатини аниқлайдиган КДТ назорати учун КФЎ етарли тадқиқ қилинмаган ҳамда ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан катталиги бўйича кўрсатилган ТЖ сифатини узлуксиз назоратини ўтказувчи КДТ учун КФЎни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш жуда долзарбдир.

Шу сабабли бошқариш ва назорат тизими учун технологик жараёнларни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти сифатининг бузмайдиган назорат асбоблари ҳамда тақсимланган магнитли параметрлар билан контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар имкониятларини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бошқариш ва назорат тизими томонидан асосий талаблар мажмуасига жавоб берадиган сифатнинг узлуксиз назорати ўзгартиргичлари ва янги контактсиз асбоблар яратиш долзарб истиқболли илмий муаммо ҳисобланади. Бу эса натижада илмий техник жараённинг жадаллаштириш кўпгина кимё, рангли ва қора металлургия, энергетика, электро машинасозлик, электротранспорт ҳамда бошқа тармоқларнинг самарадорлиги ошишига таъсир кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси .Технологик жараёнларни амалга ошириш ва сифатни бузмаслик назорати асбоблари ҳамда КФЎ тадқиқоти ва ишлаб чиқиш масалалари бўйича маълумотлар ва илмий-техник адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, мураккаб кимёвий технологик ва энергетик қурилмаларда КДТ, тезлик, ўзгартириш, тезлашиш каби параметрлар назорати соҳасида илмий ишлар етишмаслиги маълум бўлди. Тезлашиш, тезлик, ўзгартириш каби параметрлар назорати учун ферромагнит ўзгартиргичлар соҳасидаги

ривожланиш КФЎ нинг юқорида санаб ўтилган барча параметрларни умуман назорат қилиш мумкин бўлса ҳам, ҚДТ контактсиз назоратининг чуқур тадқиқотлари ва ишланмалари йўқлиги технологик параметрларни бузмай назорат ўтказиш мураккаблиги билан тушунтирилади.

Шунингдек, ўтказилган таҳлиллар катта ҳажм ва оғирлик, юқори бўлмаган аниқлик, уларнинг юқори материал ҳажми ва қийматида чекланган назорат ўқилувчи диапазонга эга бўлган КФЎ конструкцияси ҳақида асосан ёзма тавсифдаги алоҳида ишлар мавжудлигини, ҳамда ҳатто ўзгартиргичнинг кўп ҳаракат қилиши эгилувчан бирлаштирувчи контур имкониятлари йўқлигини кўрсатди.

Маълум бўлган тадқиқотларда асосан КФЎ нинг муҳим тавсифномаси ва физик асослари келтирилган ҳамда КФЎ статик тавсифномасининг берилган чизиқсизлик даражаси ва юқори таъсирчанлик, шунингдек, уларнинг ҳисоб-китобининг алгоритмлари йўқ.

Аввал маълум ишларда КФЎ таъсирчанлигининг ўзгариши методлари, назорат қилувчи параметрлар диапазониининг кенгайиши, сифатини бузмайдиган назорат асбоблари ва КФЎ чиқишининг оптимал ҳисоб-китоби ва ишлаш учун зарур бўлган эгри магнитлаш асосининг чизиқсизлиги кўриб чиқилмаган. Шу билан бирга, уларнинг асосий тавсифномалари ва уларни яхшилаш методлари етарли баён қилинмаган, нуқсонларнинг асосий манбалари ва уларни камайтириш усуллари кўриб чиқилмаган, КФЎ нинг математик моделларини ишлаб чиқиш, тадқиқот бўйича уларнинг статистик ва динамик тавсифномалари ҳамда уларни оптимал лойихалаштириш методлари тавсияномалари мавжуд эмас.

Юқорида баён этилганлар КФЎ ва уларнинг ажралмас қисми ҳисобланган бошқариш ва назорат тизимлари ривожланишининг ривожланишини тўхтатди.

Шунинг учун замонавий талабларга жавоб берадиган ТЖ ни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назорат асбоблари ҳамда юқори самарали ва кенгайтирилган функционал имкониятлар билан чиқиш муҳим долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация ишининг ИТИ мавзувий режаси билан боғлилиги. Диссертация иши Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (Давлат регистри №7105436, 74041742, 75035917, 7604031, 770309905, 79014455, 80000686, 01824025464, 018500466948, 01870044228, 01870053662) ва Тошкент давлат авиация институти «Самолётлар ва аэропортларнинг электр жихозларини таъмирлаш ва энергия таъминоти муаммолари» мавзуси бўйича ИТИ мавзувий режалари билан боғлиқ.

Тадқиқот мақсади. Мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади бошқариш ва назорат тизими учун технологик жараёнларни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назорат асбоблари ҳамда контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, самарадорликни ошириш

мақсадида тақсимланган магнитли параметрлар билан контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар яратиш методларини ривожлантириш ва назарий умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари :

-ТЖни амалга ошириш ва ишлаб чиқилган маҳсулот сифатини бузмайдиган назорат учун асбоблар ҳамда тақсимланган магнитли параметрлар билан контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар ривожланишининг истиқболлилигини асослаш;

- КФЎнинг назорат қилувчи диапазони кенгайтириш методларини ишлаб чиқиш;

- КФЎни қуриш принципларини ишлаб чиқиш;

- КФЎ асосий тавсифномасининг таҳлили;

- КФЎ ни лойихалаштириш ва ҳисоб – китоб қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

- ТЖ ни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти учун кенгайтирилган функционал имконият билан янги самарадор асбоблар ва КФЎ, ҳамда бошқариш ва назорат учун улар асосида тезлик ўзгартиргичини яратиш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Бошқариш ва назорат тизими учун технологик жараёнларни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назорат ҳамда тақсимланган магнитли параметрлар билан контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар **тадқиқот объекти** ҳисобланади.

Технологик жараёнларни амалга ошириш ва саноат маҳсулоти сифатини бузмасдан назорат қилиш асбоблари тақсимланган магнитли параметрли контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларни қуриш тамойиллари таҳлили; КФЎ нинг назорат қилувчи диапазони кенгайтириш методлари ва уларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш; КФЎ асосий тавсифининг таҳлили; уларни лойихалаштириш ва ҳисоб-китоб қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш; самарадор ва кенгайтирилган функционал имкониятлари билан КФЎ ва саноат маҳсулоти сифатини бузмасдан назорат қилиш асбобларининг технологик жараёнларнинг янги конструкцияларини, шунингдек бошқариш ва назорат тизими учун уларнинг асосида тезлик ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш **тадқиқот предмети** ҳисобланади.

Тадқиқот метод (усул)лари. Ушбу тадқиқотда аналитик ва экспериментал метод, параметрли структура схемалари методлари, графиклар назарияси, автоматик бошқариш назарияси, ўлчов ўзгартиргичлари назарияси, эҳтимоллар назарияси, нуқсонлар назарияси ва оператор методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар:

- тақсимланган магнит параметрли контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларва саноат маҳсулотини бузмайдиган назорат учун улар асосидаги асбоблар ва технологик жараёнларнинг амалга ошиши ҳамда

КФЎ базасидаги тезлик ўзгартиргичлари қурилишининг умумий принциплари;

- КФЎ ва улар асосидаги асбобларнинг назорат диапозонини кенгайтириш усуллари ва методлари;

- тақсимланган магнит параметрли бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларнинг математик моделлари;

- тақсимланган магнит параметрли бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар асосий тавсифининг статик ва динамик моделлари ҳамда уларнинг асосий тавсифини яхшилаш усуллари;

- тақсимланган магнит параметрли бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларнинг бузилиши таҳлили ва уларнинг компенсациясини ишлаб чиқиш;

- тақсимланган магнит параметрли бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар ва асосидаги асбобларнинг лойиҳалаш алгоритмлари ва уларнинг ҳисоб-китоби.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назорат асбоблари ва тақсимланган магнит параметрли контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар, технологик жараёнларни амалга ошириш ҳамда улар асосида тезлик ўзгартиргичларининг тузилиши принциплари умумлаштирилди;

- саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назорат асбоблари ва тақсимланган магнит параметрли контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар, технологик жараёнларни амалга ошириш ҳамда улар асосида тезлик ўзгартиргичларининг умумлаштирилган конструкцион схемалари аёқланади ва таснифланди. Янги конструкциялар тадқиқ қилинди ва ишлаб чиқилди ҳамда тақсимланган магнит параметрли турли турдаги бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларнинг конструктив хусусиятлари ва магнитли параметрларнинг тақсимланган тавсифи, эгри магнитлашнинг чизиқсизлигини ҳисобга олиб сифатнинг контактсиз назорат жараёнида содир бўладиган физик ҳодисаларнинг ўзаро алоқаларининг аналитик ифодалашга имкон берадиган статик моделлари тузилди;

- тақсимланган магнит параметрли бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларнинг барча асосий ва аниқ тавсифларини таҳлил қилишга имкон берадиган статик ҳамда динамик моделлар ишлаб чиқилди;

- бошқариш ва назорат тизимларига қўйилган талабларни ҳисобга олиб асосий элементлар энг муҳим тартибли шкалаларини киритиш ва биргаликда умумлаштирилган усуллар асосида тақсимланган магнит параметрли бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичларнинг

эвристик структура синтези алгоритмлари ҳамда уларнинг асосий тавсифлари асосида графали моделлари ишлаб чиқилди;

- оптимал параметрларни танлашга имкон берувчи ЭХМни қўллаш билан технологик параметрлар назорати учун уларнинг асосида тақсимланган магнит параметрли бузилмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар ва асбобларнинг параметрли лойиҳалаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда кўтарилган КФЎ тузилишининг умумий принциплари ўзгартириш, тезлик, жадаллаштириш, ток ва бошқа яна шундай технологик параметрлар назорати учун ферромагнит ўлчов ўзгартиргичларининг янги патентга олишга лойиқ мойил бўлган янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини таҳлил қилишга имкон беради. КФЎнинг бирлаштирувчи контурлари ва магнит оқимларини тақсимлаш синтези ва таҳлилининг ишлаб чиқилган методлари Янги юқори самарали ҳамда кўп функцияли контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар ва чиқарилган маҳсулот сифати назоратини бузмайдиган асбоблар технологик жараёنларини амалга ошириш, шунингдек улар асосида тезлик ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда баён қилинган асосий қоидалар КФЎ бирлаштирувчи контур марказидан шинанинг ток билан кўшни шинага кўчиши, ташқи магнит майдонлар таъсиридан нуқсонларнинг камайиши ҳисобига юқори аниқлик, киритиш ва чиқиш занжирлари орасидаги гальваник ечим, кам материал арзон нарх ва кам материал ҳажми, технологик конструкция, кичик ҳажм ва оғирликдаги кенгайтирилган назорат диапазонага эга бўлган бузилмайдиган тақсимланган магнит параметрли КФЎни ишлаб чиқиш, шунингдек уларнинг асосий тавсифлари ҳисоби, КФЎ асосий элементлари ва структурасининг дастлабки танловини ўтказишга имкон беради. Шу билан бирга эгилувчан бирлашган контур кенг назорат диапазонида ва таъсирчанлик йўналишини белгилаш имконияти, бошқариш ва назоратнинг турли тизимларида КФЎдан мураккаб шароитларда фойдаланиш учун ЭХМ дастурлари жадваллар ва формулалар ишлаб чиқилган.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишлари тақсимланган магнит параметрли ҳам кўчмас, ҳам кўчма енгил бузилмайдиган контактсиз ўзгартиргичлар ва саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган асбоблар, технологик жараёнларни ишлаши шунингдек микропроцессорларни кўп ҳолларда қўллаш билан бошқариш ва назоратнинг турли тизимлари учун тезлик ўзгартиргичини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилди. Ишлаб чиқилган КФЎ ва саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назорат асбоблари ҳамда ТЖнинг ишлаши кам миқдорда қирялайдиган машиналарни автоматлаштирилган электр ўтказгичларида, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинатинг

вакуумли дўға печларида, кам микдорда 600, 1000 ва 1200 прокат станларининг асосий ўтказгичларининг автоматлаштирилган тизимларида, “Электркимёсаноат” ОХБ электролиз ванналари ток юкланиши автоматик бошқариш тизимида, Москва хлор саноати илмий-тадқиқот институти ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Серов металлургия заводи 850 прокат станининг асосий ўтказгичи (Россия, Серов ш) «Казмонтаживтоматика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўғрилагич (випримитель)ларида, ЎзРФА автоматика ва энергетика И ТИ билан ҳамкорликдаги элементлар частицалар тезлатгичларининг айланма электромагнит ва фокусловчи таъминлаш таъминлаш тизимлари, «Кимёавтоматика» ИИЧБ нинг Чирчиқ КБ, Чимкент “Фосфор” ИЧБдаги сариқ фосфорни ишлаб чиқариш ТП АБТнинг руда қизитиш, печлари, (Қозоғистон, Чимкент ш.), “Ўзэнергомонтаж” бошқармасининг ишга тушириш қурилмаси тўғрилагич Чирчиқ монтаж бошқармаси, “ЧТЗ” ОХУ, “ДЕКА” МЧЖ “ЎзҚЭЎЧМК” ОХЖ, УзКТЖОХК, Чирчиқ РЭС, “Мегалюкс Трайт” ва бошқаларда татбиқ этилди.

Ушбу ишни амалга оширишдаги иқтисодий самарадорлик 18,43 млн сўмни ташкил этади.

КФЎ элементларининг умумий назарияси, оптимал синтез методикаси, унинг қурилиш принциплари ва уларнинг ҳисоб-китоби бўйича материаллар, ҳамда КФЎнинг алоҳида конструкциялари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси кўпгина олий ўқув юртларининг ўқув жараёнига татбиқ этилди. Улар бўйича электротехниканинг назарий асослари, электр занжирлари, электр ўлчагичлари, электротехника, метрология, стандартлаштириш ва сертификациялаш назарияси ва бошқа 10 та ўқув қўлланмаси нашр этилди.

Ишнинг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари: «Чизиқсиз электр занжирлари ва тизимлари ҳисоб-китоби методи назарияси бўйича Бутуниттфоқ олий ўқув юртлари анжумани» (Тошкент 1975 й, 1981 й); Информация (ахборот) тизимлари назарияси ва таўқсимланган параметрли тизимлар бўйича Бутуниттфоқ симпозиуми (УФА 1974 й, 1976 й); «Электрон ва электромеханик қурилмалар ва тизимлар таъсирчанлиги назарияси муаммолари» Республика илмий-техника йиғилиши (Владимир 1976 й); «Илмий-техника тараққиёти ютуқлари тарғиботининг долзарб масалалари (Тошкент, 1981 й); «Электрон ва электромеханик қурилмалар ва тизимлари» Республика илмий-техника йиғилиши (Москва, 1983 й.) «Муҳандис конструкцияларини автоматлаштириш» Бутуниттфоқ анжумани (Иваново, 1983); Илмий-техника тараққиёти, капитал маблағлари ва асосий фондлар самарадорлигини ошириш муаммолари» Республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1983 й); «Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш қувватини ўзгатириш» ёш олимлар ва мутахассисларнинг республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1983 й), Кимё ишлаб чиқаришнинг

«Замонавий машиналари ва аппаратлари», Бутуниттифоқ илмий анжумани (Тошкент, 1983 й), «Маҳсулотлар ва материаллар сифати назоратининг электромагнит методлари» Бутуниттифоқ олий ўқув юртлариаро анжумани (ОМСК 1983 й); «Бузмайдиган назоратнинг замонавий методлари ва уларни метрологик таъминлаш» Россия илмий-техника анжумани (Ижевск 1984 й); «Иқтисодий билимлар тарғиботининг долзарб масалалари ва меҳнаткашларнинг иўтисодий тарбияси» Республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1984 й). «Фан-ишлаб чиқаришга» Республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 1984 й), «Машинасозликдаги янги электротехник жараёнларни автоматлаштириш» Бутуниттифоқ илмий-техника анжумани (УФА, 1984 й); «Республика корхоналарида сермеҳнат ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш» Республика тармоқлараро илмий-амалий анжумани (УФА, 1984 й); «Илмий-техника тараққиёти шароитида жамоат ишлаб чиқариши интенсификациясини тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» республика илмий – техника анжумани (Тошкент, 1985 й); «Ўлчов ахборот тизимлари» VIII Бутуниттифоқ илмий-техника анжумани (Тошкент, 1987 й); «ТЖ АТБни техник, алгоритмик ва математик таъминлаш» IV Бутуниттифоқ илмий – техника анжумани (Тошкент, 1988 й) «Фан ва ишлаб чиқариш» Республика илмий анжумани (Чирчик, 1995 й); «Ҳаво кемалари эксплуатацияси ва учуш хавфсизлигини таъминлаш муаммолари» Республика илмий-техника анжумани (Тошкент, 2006 й); «Ўзбекистон Республикаси авиақоинот соҳаси ривожланиши муаммолари» Республика илмий – техника анжумани (Тошкент, 2007 й); «Инновация-2007» Халқаро илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2007 й) ҳамда Владимир политехника институти (1977-1978 й); ТошДТУ (1997 й), ва ТДАИ (2004-2008 й) профессор-ўқитувчиларининг ҳар йили бўлиб ўтадиган илмий-техника анжуманларида маъруза қилинди ва муҳокама этилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот бўйича 80 та илмий иш, жумладан 4 монография, 10 та ўқув қўлланмаси, 19 та журнал мақоласи нашр этилди ва ихтиролар учун 21 та муаллифлик гувоҳномаси олинди.

КФЎ қурилиши моделлари, график моделларни ишлаб чиқиш, тадқиқот масалаларини шакллантириш ва қуриш, КФЎ нуқсонлари манбалари ва асосий тавсифлари таҳлили, КФЎ техник реализация ва уни татбиқ этишда иштирок этиш, уларнинг асосида асбоблар ва қурилмаларни саноатнинг турли тармоқлари, Ўзбекистон ва Россия ОЎЮнинг ўқув жараёнига татбиқ этишга ҳам қатнашишида бир неча ҳаммуаллифлик нашрлари тегишлидир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва олти иловадан иборат.

Иш 249 бет машина ёзуви матнида баён қилинган, 125 расм ва 11 та жадвал мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг мавзусини долзарблиги асосланиб, унинг асосий мақсади ва вазифалари белгиланди, шунингдек, диссертация ишининг амалий аҳамияти ва илмий янгилиги очилиб, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар шакллантирилди.

Диссертациянинг **биринчи бобида** саноат маҳсулоти сифатини назорат қилиш ва қўпгина технологик жараёнларни амалга оширишда ўзгартириш, тезлик, тезланиш, ток ҳамда бошқа технологик параметрларни назорат қилишга имкон берадиган ферромагнит ўзгартиргичлар кенг қўлланмоқда. Бироқ, ферромагнит ўзгартиргичлар ичида технологик жараёнларнинг ишлаши ва саноат маҳсулоти сифатини аниқлайдиган КДТ учун КФЎнинг тадқиқ қилиниши ва ишлаб чиқиши етарли эмас. Шунинг учун, бугунги кунда саноат маҳсулоти миқдори ва сифатига зарар етказмай туриб, технологик жараёнлар ТЖнинг ишлаши ҳамда двигателлар айланиши тезилиги устидан назорат ўтказиш жуда долзарбдир.

Ушбунни амалга ошириш учун ЎЎ (ўлчов ўзгартиргичлари) ривожланиши ва уларнинг ҳолати масалалари таҳлил қилинди. Уларнинг таснифланиши таклиф қилинди ва ЎЎ нинг асосий афзалликлари ҳамда камчиликлари аниқланди.

ЎЎ бошқариш ва назорат тезлиги ўлчов схемаларидаги маҳсулот назоратининг дастлабки ўзгартиргичидир.

Барча маълум ўлчов асбобларидан фарқли ўлароқ барча турдаги ЎЎни яратиш учун фақат 2 турдаги физик ток пайдо бўлишидан фойдаланилади.

1)Ом қонунига мувофиқ ток ўтаётганда қаршилик қисқичида турли потенциаллар (электр кучланиши)нинг пайдо бўлиши,;

2)ўтказгич атрофидаги бўшлиқда магнит майдонидаги ток билан тўлиқ ток қонунига мувофиқ бир хил боғланган токнинг пайдо бўлиши.

Биринчи принцип бўйича ишланадиган ўзгартиргични маҳсулот сифатининг контактли ЎЎ деб номлаймиз. Унга шунтлар киради. қолган барча турдаги ўзгартиргичлардан, токнинг магнитли пайдо бўлишида фойдаланилади ва уларни иккинчи катта гуруҳ-контактсиз ЎЎ-сифат назоратини бузмайдиган ЎЎга киритиш мумкин.

Умуман, КДТ назорати учун электр иссиқлиги ва электр кимёвий ҳодисалардан фойдаланиш мумкин, мураккаблиги ҳамда паст метрологик тавсифи натижасида бундай усул амалий қўлланилмади, шунинг учун ишда кўрилади.

Ҳозирги даврда КДТ ни контактсиз назорат қилишга имкон берадиган 1000га яқин ЎЎ маълум. Мавжуд кўпгина ЎЎ зарур ЎЎ турини танлашда маълум қийинчиликларни туғдиради.

Шунинг учун маълум ЎЎнинг муҳим ва конструктив хусусиятларини аниқлашга имкон берадиган ҳаракат қонунига мувофиқ технологик жараёнларнинг ишлаши ва маҳсулот сифатига зарар етказмасдан назорат ўқилиш ЎЎ таснифи таклиф қилинди. (1 расм)

Тадқиқот ишида КФЎ юкланиши тавсифи ҳам кўриб чиқилди. МКФЎ юкланиши Г тартиби (режими)да амплитуда ўзгариши ва ток қўзғалиши частотаси, ҳамда юкланиши параметрлари иккинчи уйғунлашиш (гармоника)нинг фойдали сигнали фазаси ва амплитудага боғлиқ, шу билан бирга қўзғалиш майдони амплитудаси ўсиши билан иккинчи уйғунлашиш (гармоника)фазасининг барқарорлиги камаяди, фаол юкланишдаги эса беқарорлик юкланишининг фаол қаршилиги ўсиши билан камаяди.

Бу ташқи магнит майдони назорати аниқлигига таъсирини йўқотиш ва назоратининг қўлланиладиган воситаларини қиёсан оддийлигини таъминлайди. Шунтларнинг қўлланишини чеклайдиган камчиликларга:



1-расм. Ҳаракат принципи бўйича технологик жараёнларни ишлаши ва саноат маҳсулоти сифатини бузмайдиган назорат ЎЎ таснифланиши

шунтни ёқиш учун назорат токи занжири узилиши зарурати; ток юрадиган шина ўлчовининг монтажи мураккаблиги; назорат токи занжири билан ўлчов воситалари гальваник боғланишларининг мавжудлиги; назорат токи

ўлчовини қиздириш натижасида қўшимча нуқсонларнинг пайдо бўлиши тегишли. Бундан ташқари ДТ назорати монтаж мураккаблики, конструкциянинг йириклиги, катта вазндаги ва сезиларли талаб этиладиган қувватли каби ўзига хос қийинчиликлари мужассам этган шунтларни қўллаш билан боғланган.

КДТни контактсиз назорат қилиш йўли билан сифатни бузмайдиган назорат ток атрофида бўшлиқдаги электр магнит майдони ва унинг параметрларини назорат қилиш туфайли ҳам бўлиши мумкин.

Бунда сифат назоратига зарар етказмайдиган кўчма контактсиз қурилмалар иши назорат токининг алоҳида функционал алоқаси ва тўлиқ ток қонунига мувофиқ уларнинг магнит майдонида яратилишига асосланади.

Контактсиз ток назорати учун ҳар доим ҳам магнит майдонида яратиладиган тоқларнинг интеграл ёки дифференциал параметрларини аниқлаш шарт эмас. Баъзан ўтказгич ток билан ўзгаришига нисбатан ҳаракат қилмаса, шунингдек доимий кесим ва ток зичлиги тақсимига эга бўлса, у ҳолда назорат токи билан алоҳида боғланган.

В магнит индукцияси (ўзгартиргич турли ва ток табиатига боғлиқ) ёки қандайдир бўшлиқ нуқтасидаги H майдонидаги кучланиш қийматини ўлчаш етарли. Масалан, ток назоратидаги электр узатишининг юқори вольтли линияларида келади.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, мавжуд контактсиз ЎЎни бирлаштирувчи ва бирлаштирмайдиган контурли ЎЎга бўлиши мумкин контактсиз ЎЎга квантли ва магнитли кони ўзгартиргичлар киради. Квантли ЎЎ энг аниқ ўзгартиргичлар ҳисобланади. Аммо уларга ҳам магнитли конли ЎЎлари каби баҳосининг юқорилиги, конструкция мураккаблиги, ташқи магнит майдони таъсири остида нуқсонларнинг мавжудлиги, қўшни шина ток билан ва назорат токининг ташқи магнит атрофидаги ЎЎ жойлашувини координатининг чиқиш параметрига боғлиқлигига тегишли бўлган камчиликлар хос. Бирлаштирмайдиган контурли ЎЎ экспериментал намуналар сифатида фақат ягона нусхаларда чиқарилади ва серияли чиқарилмайди.

Бирлаштирувчи контурдаги контактсиз ЎЎ ҳам фанда, ҳам техникада кўпроқ тарқалган. Ўтказилган таҳлил саноатда асосан у ёки бу даражада фақат электромеханик, магнит модули, гальваномагнитли ва магнит компенсацияли сифат назоратини бузмайдиган контактсиз ферромагнит УФдан фойдаланилади. Тадқиқотда КФЎ Ушбу гуруҳининг структурали схемалари келтирилган. Уларни кўринишидан кўриниб турибдики, КЎУ барча структурали схемаларига кирадиган асосий ўзгартиргич доимий магнит оўймидаги КДТ ўзгартиргич ҳисобланади ЎКФО сифатини бузмайдиган назорат жараёнида назорат токи билан шинани ўамраб оладиган бўлинма О шаклидаги ёпиқ магнит ўтказгични ўзида намоён қилади.

Маълум КФЎ асосий қисми ЎКФО улушига тўғри келади. Масалан, КДТ назорати юқори чегараси учун мавжуд кўчма КЎЎ ҳозирги вақтдаги умумий вазни 5 кг.дан ошмай, 2-3 к А ни ташкил қилади.КЎЎ нинг унча катта бўлмаган назорат диапозониға нисбатан КДТ назорати вақтида бўлинма магнит ўтказгич тез тўйинади. Шунинг учун минимал вазндаги сифатни бузмайдиган назоратнинг кўчма ва кўчмас КФЎ назорат диапозонини кенгайтиришга ўодир ни ишлаб чиқиш долзарб муаммодир, шунингдек, кенг назорат диапозонида таъсир йўналишини белгилаш, эгилувчан бирлаштирувчи контур ҳамда КФЎ фуқционал имкониятларини кенгайтириш ҳам жуда долзарб масала эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Диссертация ишида сифатни бузмайдиган назоратнинг контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлари (КФЎ) курилиши хусусиятлари тўлиқ кўриб чиқилган. КФЎ- умумий оралик ўзгартиргич (ОЎ) ва БФППни ушлайдиган бирлаштирувчи контурдир.

ЎКФО доимий магнит оқимида доимий токни, ОЎ эса ЭДС да бу оқимни ҳосил қилади. Магнит ўтказгичлари ҳам текис, тирқиш (зазор)ли бажарилиши мумкин. Тирқишлар билан КФЎ нинг бажарилиши ўзгартиргич вазнини кўп марта камайтириш ва назорат диапозонини кенгайтиришга имкон беради. Шундай қилиб, текис магнит ўтказгичли маълумКФЎ 30 к А 360 кг.ни ташкил этса, тирқишли КФЎ эса 1,5 кг.

Ферромагнитли ўзгартиргичларни қўллаш таъсирчанлигини ошириш имконини беради ва ташўи магнит майдонинг нуқсонини ҳамда бирлаштирувчи контур майдонидан тадқиқ қилинаётган шинанинг силжиши камайтиради.

Ўтказилган таҳлил натижаларидан саноат маҳсулоти сифати назорати, технологик жараёнларнинг ишлаши, шу жумладан, двигател айланиши тезлиги назорати учун Ўзбекистон Республикасининг кўпгина корхоналаридаги бузмайдиган контактсиз назоратининг 0,1-40 кА диапозонида ҳам кўчма, ҳам кўчмас 1-3 фоизли нуқсон билан ЎЎ ёрдами билан, ҳамда эгилувчан бирлаштирувчи контур билан КФЎ етишмаслиги маълум бўлди, шунингдек уларга асосий талаблар ишлаб чиқилди.Маълум ва кўриб чиқилган КЎЎ бирортаси ҳам қатъий талабларга жавоб бермайди, чунки уларнинг кўпчилигини фақат гальваномагнитли ва магнит модуляцияли КЎЎ қониктиради ва шу сабабли контактсиз ЎЎнинг, оптимал конструкциясини яратишда сифат назоратини бузмайдиган контактсиз ферромагнит ўзгартиргич муҳим аҳамиятга эга. Маълум ишларнинг шарҳи шуни кўрсатдики, алоҳида муаллифлар томонидан кўриб чиқилса КФЎнинг турли конструкциялари кичик назорат диапозонида катта ҳажм ва оғирлик, кўп материал сарф бўлиши ва конструкциянинг технологик эмаслиги, магнит майдони, ток билан қўшни шиналар ва қолган магнитланиш таъсиридан нуқсонлар, яъни кам самарадорликка эга катта назорат диапозонида КФЎ таъсирчанлигининг белгиланган йўналиши имкониятларига жавоб бермайди ҳамда эгилувчан

бирлаштирувчи контур, яъни яхши функционал имкониятларга эга, чунки уларда назорат диапазони кенгайишининг самарали усуллари, ва КФЎ тузилишининг умумий принциплари йўқ.

Адабий манбаларнинг ўтказилган таҳлили натижалари ва кўриб чиқилган масала бўйича Ўзбекистон Республикасидаги ҳолат, ҳамда маълум ва мавжуд сифатни бузмайдиган назорат контактсиз воситалари билан танишиш, тақимланган магнит параметрли контактсиз ферромагнит ўзгартиргичлар саноат маҳсулоти сифатитни бузмайдиган назорат асбоблари, бошқриш ва назорат тизими учун технологик жараёнларнинг ишлаши функционал имкониятларини кенгайтириш ва самарадорликни ошириш долзарб шунингдек истикблли эканлигини кўрсатди.




2-расм. ЎКФО назорат қилувчи диапазонини кенгайтириш усуллари таснифланиши

Иккинчи бобда КФЎни конструктив ишлаб чиқш методологияси келтирилган. Турли КФЎларнинг назорат диапазонини кенгайтириш усуллари ишлаб чиқилди ва аниқланди, 2-расмда кўрсатилганидек уларнинг таснифи берилди.

Илк бор пўлат бўйича ишчи магнит оқими йўли узунлигининг ошиши ҳисобига бўйлама ва кўндаланг тақсимланган магнит параметрли КФЎни бажариш йўли билан назорат диапозанининг юқори чегарасини

кенгайтириш ва бўйлама ҳамда кўндаланг ҳаво тирқишларини унинг йўлида ёқиш таклиф ўқилинди, бу эса кенг диапазонда КФЎнинг таъсирчанлигини оддий конструктив воситалари билан амалга ошириш ва эгилувчан бўлинма магнит ўтказгичини олиш имконини беради. Тақсимланган магнитли параметрлар билан гальваномагнитли ГКФЎ ва магнитомодуляцияли (МКФЎ) КФЎнинг асосий тавсифларини яхшилаш усуллари белгиланди.

Бир қатор оригинал, ҳимоя қилинган муаллифлик гувоҳномалари билан ишлаб чиқилган КФЎ ихтироси таҳлили асосида таснифи таклиф қилинди ҳамда кўндаланг (3-расм) ва бўйлама (4-расм) тақсимланган магнитли параметрли КФЎнинг келгусидаги умумлашган конструкцияси танланди. Кўндаланг магнит параметрли (3-расм) ҳимоя корпусиди жойлашган бўлинма ёпиқ магнит ўтказгичи ферромагнит элементдан бажарилган



3-расм. Бўйлама тақсимланган магнит параметрли КФЎ.


назорат токи билан ферромагнит перпендикуляр шина ва ферромагнит элемент ҳамда паралел шинадан иборат.

Элементларнинг очик да (2 ва 3) ўзгарувчан ток манбасига уланган бирлашган модуляция чулғамлари кетама-кет жойлашган. Элементда кетма-кет уланган кўндаланга қарама-қарши чулғамлари ўралган. **5** шинасини назорат қилувчи КФЎни ўраб олганидан сўнг бўлинган магнит ўтказгичида доим ишлайдиган магнит оқими яратилади. **4** модуляция чулғамининг турғун ўзгарувчан ток ҳаракати остида **2** ва **3** магнит ўтказгичи элементларининг магнит оқими ўзгаради, бу эса магнит оқими йўлидаги магнит қаршилигининг модуляциясига олиб келади. Натижада назорат қилувчи КФЎ катталигига боғлиқ бўлган ЭДС **6** ўлчов чулғамига ўтказилади. Бўлинма магнит ўтказгичининг **2** элементидаги ўлчов чулғами ва уларнинг кетма-кет кўндаланг – қарши жойлашуви ўлчов занжирига ташқи магнит майдонидан келтирилиб, ЭДСга қарши йўналтирилган ўзаро компенсация сабабли ташқи бир хил бўлмаган магнит майдони таъсири, ҳамда токли қўшни шина таъсири нуқсонини сезиларли камайтириш

имконини беради, бу эса занжирни бўлинмасдан КФЎ назорати аниқлигини ошириш, яъни КФЎ самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бўйлама тақсимланган магнит параметрли КФЎ (4-расм) кўндаланг ва бўйлама тирқиш(зазор)лар орасида бир хил **1** ферромагнит элементларидан йиғилган ёпиқ О- шаклли магнит ўтказгичига эга. Ферромагнит элементлари алоҳида ингичка ферромагнит пластинасида танланган ва назорат қилувчи КФЎ билан **4** шина ўқиға нормал, параллел текисликда жойлашган.

Ҳар бир ферромагнит элементида ўзгарувчан ток манбасига уланган ўзаро кетма-кет бирлашган, **2** модуляция чулғами орқали ўралган икки очик кесимга эга. Очик кесимнинг ҳар бир жуфти орасида ўзаро бир бирига мувофиқ ва кетма-кет бирлашган **3** ўлчов чулғами параллел жойлашган ферромагнит элементини ўраган ўзаро бир бирига мувофиқ ва кетма-кет




4-расм. Бўйлама тақсимланган магнит параметрли КФЎ


бирлашган **3** ўлчов чулғами ўралган. I W модуляция ампервиткалари ҳисобига бўлинма магнит ўтказгич таъминловчи яримўтказгичнинг ҳар бир оқимида тўйинган ҳолатга ўтади. Бунда назорат қилинаётган КФЎ билан яратилган бўйлама майдон учун магнит оқими бирданига камаяди. Модуляция токи ноль қиймати орқали ўтганида оқим бошланғич қийматгача ўсади. Шу усул билан ўлчов чулғаида модуляция ампервиткалари турғунлигида назорат қилинаётган КФЎга боғлиқ бўлган икки барабар ошган частота сигнали пайдо бўлади.

МКФЎ кичик вазн ва кенг назорат қилувчи диапазонга эга. Бу пўлат бўйича ишлайдиган магнит оқимининг узунлигини ошириш ва унинг йўлида бўйлама тақсимланган оралик кўндаланг тирқишларни ёпиш ҳисобига магнит қаршилигининг ўсиши билан таъминланади. Бундан ташқари ферроэлементларни ўзаро ёпиш ҳисобига бирлаштирувчи контур бўйича модуляция оқимининг узлуксизлиги сабабли ўзгартиргичнинг аниқлиги ошади.

